O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 8 ноябрь, № 218 (4117) Чоршанба

Голиб ҳамширага — «Матиз»

Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" маданият саройида "Ҳамшира – 2006" республика кўрик-танлови ниҳоясига етди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон милий телерадиокомпанияси ташкил этган ушбу тадбирда мамлакатимиз вилоятларининг даволаш муассасаларида фаолият кўрсатаётган 14 нафар тиббиёт ҳамшираси иштирок этди.

Тиббиёт ҳамшираларининг касбий малакаси ва ижодий маҳоратини белгилаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш ҳамда иш шароитини яхшилаш танловнинг мақсади эди. Тадбир қатнашчилари 5 та йўналиш бўйича беллашдилар.

Пойтахт вилоятидан Ўғилжон Қосимова биринчи, наманганлик Ульяна Насриддинова иккинчи ва қорақалпоғистонлик Зелиҳа Нурмаҳонова учинчи ўринга муносиб, деб топилди. Биринчи ўрин соҳибаси Ўғилжон Қосимовага тиббиёт олий ўқув юртларидан бирига ўқишга кириш имтиёзи берилди ва у "Матиз" автомобили билан тақдирланди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Самарқанд вилояти Ахборот-кутубхона ресурс марказида ўтказилган анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

КУТУБХОНА УЧУН ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР

Марказда кенг китобхонлар оммасини янги адабиётлар, жаҳонда юз бераётган сўнгги хабарлар билан таништириш учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Тадбирда ушбу ютуқлар баробарида замонавий технологиялардан фойдаланиш борасида айрим камчиликлар кўзга ташланаётгани, аҳолига маълумотларни етказишда электрон базалари ва интернет ресурслари хизмати кўрсатиш юқори даражада эмаслиги таъкидланди. Бундай камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Тадбир сўнгида марказга ҳомий ташкилотлар томонидан сўнгги русумдаги компьютерлар тўплами тақдим қилинди.

А.ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош прокурор ўринбосари Б.Нурмуҳамедов бошқарди.

Кенгаш йиғилишида дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, процессуал мажбурлов чораларини қўллашда қонунчилик талабларига ва инсонпарварлик принципларига амал қилиш ҳамда жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни ундиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йил 29 августда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга биноан, шахснинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат томонидан ҳимоя қилинишининг кафолати сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъулияти янада оширилгани таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда барча кўринишдаги тажовуздан ҳимоя қилиш мамлакатимизнинг ҳуқуқий сиёсати негизини ташкил этиши, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади – умумэътироф этилган қадриятларни ҳурмат қилиш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш эканлиги таъкидланди.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари олдига жиноят-процессуал қонунчилик нормаларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш, қамоққа олинган ҳамда суд қарорлари асосида жазо ўтаётган шахслар ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига йўл қўймаслик қатъий талаби қўйилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича халқаро нодавлат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилиши ва бу борада ошкораликнинг таъминланиши инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларига муросасизлик муносабатини шакллантиришнинг таъсирчан воситаси сифатида қаралмоғи лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Айрим ҳолларда жиноят оқибатида етказилган зарарни ундиришда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги жиддий танқид қилинди.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилинишича, шунингдек, йиғилиш кун тартибидан ўрин олган фуқароларнинг ўз жонига ўзи қасд қилиши ҳолатлари ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўришга доир масала муҳокама қилиниб, бу борада тегишли органлар фаолияти бирмунча яхшиланганлиги қайд этилган. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўз жонига ўзи қасд қилиши сабабларини аниқлашда мутасадди идоралар томонидан масъулиятсизликка йўл қўйилаётганлиги танқид қилинди Бу соҳада профилактика ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли чоралар кўриш лозимлиги уқтирилди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

КЎРМАГАНЛАР АРМОНДА

ХАРИД ҚИЛГАН ДАРМОНДА

Тошкентда қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазма-савдоси бошланганига икки ҳафта бўлди . Шу вақт мобайнида бу ерда қарийб 125 миллиард сўмлик 4089 та шартнома, аҳдлашув баённомаси ва буюртма имзоланди.

Кўргазмага 2,5 мингдан ортиқ фермер ва қишлоқ тадбиркорлари ташриф буюрди. Бундан ташқари, республикамизнинг барча вилоятларидан 10 мингга яқин қишлоқ хўжалик соҳаси вакиллари бундай ўзига хос кўргазма экспозицияси билан танишиш ҳамда зарур ускуналарни харид қилиш учун пойтахтга келди.

Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги «Уммон» хусусий транспорт корхонасининг юк автомобиллари олдиндан уч йилгача етадиган шиналар билан таъминланди.

— Корхонамиз туман аҳолиси, биринчи навбатда, фермерларга транспорт хизмати кўрсатади, — дейди хусусий корхона директори Шукрулло Сиддиқов. — Биз саховатли заминимизда етиштириладиган дон, пахта, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни ташиймиз. Машиналар ҳар доим иш билан банд ва шу боис резина қопламалар тез ишдан чиқади. Илгари янги ва керакли миқдордаги шиналарни сотиб олиш доим муаммо бўларди. Энди эса бунга чек қўйилди. Биз Россияда ишлаб чиқарилган ва кўргазмада намойиш этилган аъло сифатли шиналарни сотиб олдик. Кредитни шу ернинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали расмийлаштирдик. Шу сабабли ҳам, қарийб 20 миллион сўм харажат корхонамиз учун оғирлик қилмайди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу кўргазмада намойиш этилаётган техника ва технологияларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлиб, бу қишлоқ тадбиркорларига жуда катта қулайлик туғдиради. Чунки кўргазмада харид қилинаётган ускуналар иш самарадорлигини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш имконини беради.

Кўргазмада ўз ускуналарини намойиш этаётган чет эл компаниялари вакиллари ҳам дастлабки натижалардан мамнун.

— Италия тадбиркорлари Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор, — дейди озиқ-овқат саноати учун технологик линиялар ишлаб чиқарадиган «Ing.A.Rossi» компаниясининг вакили Дионисиос Куркумелис. — Бўлиб ўтаётган халқаро кўргазма туфайли ўзаро фойдали алоқаларни кенгайтириш имконияти пайдо бўлди. Биз, хорижлик иштирокчилар учун экспонатларни етказиб бериш ва сотиш борасида катта имтиёзлар яратилди. Компаниямиз Ўзбекистон бозорига илк бор чиқмоқда, шундай бўлса-да, кўргазма давомида қайта ишлаш ускуналаримизга талаб борлигини ҳис қилдик ва у янада ортади, деб ўйлайман. Чунки Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тез суръатда ривожланмоқда ва замонавий технологиялар, айниқса, қайта ишлаш ускуналарига эҳтиёж катта. «CIUZ» Италия-Ўзбекистон савдо палатаси павильонида биз билан бирга «Asepsistems» ва «Bertuzzi» компаниялари ҳам ўз ускуналарини намойиш этмоқда. «Bertuzzi» компанияси Ўзбекистонда ишлаш бўйича тажрибага эга ва унинг ўрикни қайта ишлаш линиясидан бугунги кунда Бухоро вилоятида самарали фойдаланилмоқда. Биз ўзбекистонлик фермерлардан кўп буюртмалар олдик ва яқин кунлар ичида шартномалар имзоланиши ҳам кутилмоқда.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.
Т. ҚУРБОНБОЕВ
олган сурат.

Қарши шаҳрида замонавий телефон станцияси ишга тушди. Эндиликда барча телефон абонентлари тўлиқ рақамли телефон станцияси хизматидан фойдаланиш имконига эгадирлар.

Сўзлашув + қўшимча хизмат

Бу «Ўзбектелеком интернейшнл» Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонасининг Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйига атаган тўёнаси бўлди.

— Рақамли телефонлар электрон алоқа хизматида янги босқич, — дейди «Қашқадарётелеком» раҳбари Ўктам Турдиев. — Қарши шаҳри мамлакатимизда рақамли телефон хизмати тўлиқ жорий қилинган иккинчи шаҳар бўлди. Рақамли телефон фақат сўзлашув воситаси бўлиб қолмасдан, қўшимча хизмат турларини ҳам амалга оширади.

Шуни таъкидлаш керакки, янги телефон станцияси ихчам, барча жараёнлар автоматик тарзда бошқарилади ва компьютер орқали назорат қилинади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бойитилган ун – саломатлик гарови

Республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси қўмагида Навоий вилоятида аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жамғарманинг вилоят бўлими томонидан «Навоийдонмаҳсулотлари» корхонасида темир моддаси билан бойитилган ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона бошқаруви раиси Абдували Пўлатовнинг таъкидлашича, хориждан келтирилган дозатор аппаратлари ўрнатилгач, ишлаб чиқарилаётган биринчи навли унни темир моддаси ва минераллар билан бойитилган ҳолда аҳолига етказиш имкони туғилди.

Айни пайтда корхона вилоят аҳолисига бир ойда 1000-1200 тонна бойитилган ун етказиб бермоқда.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ.

Дунё нигоҳи

Маттиас МАЙЕР,
ГФРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

— Мен барча йўналишлардаги ишимизда ижобий силжиш бўлишини истайман. Шу жумладан, қонунчиликда, иқтисодий ислоҳотларда ва кундалик ҳаётнинг барча жабҳаларида. Ушбу лойиҳаларга ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшиш ниятидаман. Ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлганлар билан алоқа қилишга тайёрмиз. Давлатларимизда иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган бир қанча лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

«Обуна — 2007»

ВАҚТ – ПУЛ,
АХБОРОТ – ХАЗИНА

Бир йил мобайнида "Халқ сўзи" газетасида 10-12 мингта ахборот берилар экан. Шунча янгиликдан воқиф бўлган газетхон нафақат маънавий, айни пайтда моддий жиҳатдан ҳам бой бўлиш имконига эга.

Модомики, ўтган фурсатни қайтаришнинг иложи йўқ экан, дам ранжмаслигида "Халқ сўзи"га обунани тезроқ расмийлаштириб қўйганингиз маъқул. Газетани ҳар куни сотиб олгандан кўра, иш жойингизга ёки хонадонингизга ёзилсангиз, ҳам вақтдан, ҳам пулдан ютасиз.

Нашр индексимиз — 229

Қарорни ўқиб

"Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарор қабул қилинишини даврнинг ўзи тақозо этди. Бинобарин, бугунги кунга келиб, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларининг фаолияти самарали бўлишига талаб кучайди. Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш зиёлиларимиз зиммасидаги муҳим вазифадир.

ҲАРАКАТДАГИ ҒОЯ

Тасаввур ва дунёқараш тараққиётга қараб ўзгариб боради. Мафкурани шакллантириш жараёнида кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига асосланиш лозим.

Шу вазифалардан келиб чиқиб, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти белгилаб берилди, унинг таркибий тузилиши қайта кўриб чиқилди. Ушбу кенгаш ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Биринчи тузилма асосан таҳлил, талқин негизида назариёт, тавсиялар бериш билан шуғулланса, иккинчи тузилма зиммасига асосан тарғибот-ташвиқот ишлари юкланди. Бу вазифаларнинг мазмун-моҳиятини теран билиб олиш учун, назаримизда, ўзак тушунчалар, жумладан, ғоя, миллий ғоя, мафкура, миллат, миллий манфаат каби ибораларни аниқ билиш шарт.

Ҳар бир давлатда мафкура конституция доирасида бўлади. Бизда ҳам шундай. Конституциямизнинг 29-моддаси, биринчи бандининг илк жумласи шундай: "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга". «Томчида қуёш акс этади», деганларидек, мана шу биргина жумланинг ўзиёқ республикамиз демократик ва ҳуқуқий давлат эканини кўрсатиб турибди. Янгидан тузилган Маънавият тарғиботи маркази ва Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ходимлари, бу ташкилотлар номидан иш кўрадиган вакиллар ва маърузачилар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмун-моҳиятини оммага тушунтира бориши, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун саъй-ҳаракат қилиши биринчи галдаги вазифалардандир. Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "тасаввур ва дунёқараш тараққиётга қараб ўзгариб боради. Мафкурани шакллантириш жараёнида кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига асосланиш лозим". Ўзбекистон жамияти бундан 15 йил аввалгисидан катта фарқланади. Ҳозир мамлакатимиз бозор иқтисодиёти йўлидан дадил бормоқда. Жамоатчилик фикри — ижтимоий онгнинг ўзига хос кўринишларидан бири бўлиб, кишиларнинг турмуш ҳодисалари, сиёсий ва ижодий ташкилотлар ва алоҳида шахсларнинг фаолияти ҳақида ижобий ёки салбий қарашларнинг мажмуидир. Бироқ жамоатчилик фикри – бу ҳали жамият фикри эмас. Жамоатчилик фикри жамият фикри бўлиши учун умумхалқ фикри юксаклигига кўтарилиши керак. Жамият фикри эса шу жамият аъзоларининг энг илғор қисми дунёқарашини ва бутун жамият манфаатини ифодалайди.

Энди миллат тушунчасига таъриф берамиз. Миллат кишиларнинг жипс тарихан шаклланган бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳият ўйғунлиги ва муштараклиги демакдир. Бир сўз билан айтганда, маънавият бирлигидир. Масалан, ўн тўққизинчи асрнинг етмишинчи йилларида халқимиз сиёсий тутқунликка тушди, лекин маънавиятини бой бермади, шу сабабли ҳам Юртбошимиз етакчилигида 1991 йилнинг 31 августида ўзбек давлатчилиги қайта тикланди. Мана энди, мафкура атамасига таъриф бериб ўтсак бўлади. Муайян бир ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик қарашларнинг бутун бир тизимига мафкура дейилади. Демак, ўзбек халқининг миллий мафкураси миллатимизнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик қарашларнинг бутун бир тизимидир.

Миллатнинг метиндек жипслиги давлат қудратининг даражасини белгилайди. Миллат ва давлат тушунчаларини бир-биридан айирган ҳолда таърифлаб бўлмайди. Тарихни кўздан кечирсак, миллатнинг жипслик даражаси ўзгариб турадиган ҳодиса эканини кўрамиз. Бу кўп омилларга, жумладан, тарихий шахснинг – йўлбошчининг ўрни ва ролига ҳам боғлиқ. Қачонки халқимиз метиндек бирлашиб, жипслашган бўлса, ўшанда ўз буюк давлатига эга бўла олган. Бунинг учун халқни бирлаштирувчилик салоҳиятига эга сиймо тарих саҳнасига чиқиши, ҳокимиятни бошқариши керак. Тарихда мисоллар кўп бунга. XIV асрнинг учинчи чорагида Амир Темур тарих саҳнасига дадил чиқиб, шундай бирлаштирувчилик вазифасини адо этди ва буюк бир давлат – Темурийлар давлатини тузди. Соҳибқирон вафотидан кейин миллатимиз жипслиги заифлаша бошлади. XVI асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон II даврида миллатимизнинг жипслик даражаси анча кучайди, ўшанда Бухоро хонлиги мусулмон Шарқидаги энг кучли давлатлардан бирига айланган эди. Афсуски, Абдуллахон II вафотидан кейин миллатимизнинг жипслиги сусая бошлади. Ягона буюк давлатимиз учта давлатга – амирлик ва хонликларга бўлиниб кетди, кейин XIX асрнинг иккинчи ярмида мустамлака ва ярим мустамлака ҳолига тушиб қолдик. Демак, давлат тақдирида миллатнинг жипслик даражаси ва айни пайтда миллатнинг жипслик даражасида давлат ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Бу иккисининг тақдирида эса, ўз халқига йўлбошчилик қила олиш салоҳиятига эга тарихий сиймонинг ўрни ва роли ҳам каттадир. Бу фикрнинг нақадар тўғрилигини Президент Ислом Каримовнинг давлат бошлиғи ва халқимиз раҳнамоси сифатидаги фаолияти ҳам тасдиқлаб келяпти. Назариётчиларимиз ва тарғиботчиларимиз миллат жипслиги мавзуига алоҳида эътибор қаратиб, унинг аҳамиятини ёритиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Эндиликда бутун жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги эътироф этаётганидек, бизнинг миллий мафкурамиз, Ўзбекистон мафкураси илғор мафкурадир.

Келиб чиқиши бўйича арабча бўлган фикр, афкор ва мафкура сўзларининг ўзаги битта – фикр. Фикр сўзининг кўплик шакли афкор. Лекин бизнинг тилимизда афкор сўзи фикрловчи, илғор фикр юритувчи маъноларини англатиш учун қўлланилади. Масалан, жаҳон афкор оммаси – тараққийпарвар инсоният деганидир, яъни ҳар қандай оммага нисбатан афкор иборасини қўллаб бўлмайди. Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб айтамизки, мафкура атамаси ҳаракатга келтирувчи, ҳаракатдаги ғоя деган маънони англатади.

Шарҳланаётган қарорда, шунингдек, халқимизни турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир этиб тарбиялашга, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга алоҳида эътибор берилган. Бу борада бизга мутлақо ёт бўлган Ғарб демократиясининг айрим ҳолатларини рўй-рост очиб ташлаш лозим.

Халқимиз табиатан саховатли. Топганини эл-юрт олдига қўйсам, дейди. Уни тўйсеварликда айблаб бўлмайди. Гар айбласак, ўзўзимизни камситган бўламиз. Тўйсеварликни саховатпешалик фазилатларидан бири деб қарамоқ керак. Тўйсиз, яъни жамоатдан яширин ҳолда "оила" қурилаёган жойларда қўйди-чиқди кўп. Бунинг устига, умуман, никоҳли оила қурмай яшаётганлар кўпайиб бормоқда. Масалан, 2002 йилда Буюк Британияда ҳар 100 нафар чақалоқдан 31 нафари никоҳсиз дунё юзини кўрган бўлса, Венгрияда-20, Францияда-32, Норвегияда-43, Швецияда-50, Россияда 28 бола никоҳсиз туғилмоқда.

Ўзбеклар учун бундай «демократия»нинг, бундай «эркинлик»нинг кераги йўқ. Бизнинг ўзимизга мос, ўзимизга хос оила одоби, оила ахлоқи, эр-хотин вафодорлиги ва садоқатига доир қарашларимиз, тушунча ва талабларимиз бор. Никоҳ тўйи ўтказишдан асосий мақсад оила қуришга масъулият билан ёндашишдир.

Шу йилнинг 11 сентябрида АҚШда рўй берган ҳодисанинг 5 йиллигига бағишланган тадбирда "ислом терроризми" каби сўзлар ишлатилди. Дунё эътироф этган ҳақиқат шулки, терроризмнинг миллати, дини йўқ. Зеро, Ислом – тинчлик ва дўстлик дини. Юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти ҳақидаги маъруза, чиқиш, давра суҳбати ва шу кабиларда ҳадиси шарифлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, бу қарор тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш йўлидаги хайрли қадамлардан биридир.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон санъат арбоби, ёзувчи.

Қишлов беталафот ўтиши учун

Айни пайтда Андижон туманидаги "Мухтор" хусусий чорвачилик фирмасида 579 бош қорамол, 124 бош қўй боқилмоқда. Чорвадорлар эл дастурхонига сут, гўшт маҳсулотлари етказиб беришдан ташқари ҳар йили 120 бош насли бузоқ парваришлаб, фермер хўжаликлари ва агрофирмаларга аукцион орқали сотишмоқда.

Фирма ихтиёрида барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси бор. Улар кучидан самарали фойдаланилгани учун ҳам 152 гектар ерда беда, маккажўхори, арпа сингари зарур чорва озуқаси етиштирилиб, қишлов учун ўз вақтида ҳозирлик кўриб қўйилди.

СУРАТДА: фирма бошлиғи Муҳаммаджон Мўминов, сут соғувчилар Ойдин Ашурова ва Ойдин Ашматова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Текшириш камайди, самара ошди

Фармон ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш, унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганига бир йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида ана шу ҳужжат талаблари ижроси натижасида тадбиркорлар билан солиқ тизими ва бошқа назорат қилувчи давлат идоралари ўртасидаги муносабатларда янгича қарашлар ва йўналишлар шакланди, десак хато бўлмайди.

Маълумки, илгари тадбиркор аксарият ҳолатларда ўзининг шаштини қайтариб қўйиши мумкин бўлган тафтишлар, гоҳида ҳафталаб чўзилиб кетадиган текширишлар билан жони ҳалак эди. Фармон эса, барча назорат қилувчиларга, аввало, солиқ тизими ходимларига тўғри йўналиш берди. Ишлайдиган одамга имкон бериш керак. У хато қилдими, салланинг ўрнига калла олиб келиш йўсинида иш юритишдан воз кечиб, йўл қўйилган хатони кўрсатиш асосида унга амалий ёрдам бермоқ керак.

Шундан келиб чиқиб, биз ўзимиз тадбиркорларнинг ҳузурига бордик. Семинар-кенгашлар ўтказдик. Муаммоларни биргаликда, баҳамти туриб ҳал қилиш йўлларини изладик. Текширишнинг ўрнига дўстона маслаҳат, тафтишнинг ўрнига фойдали таҳлил, молиявий жарима ёки жазонинг ўрнига бой берилган имкониятни қайта тиклаш бўйича йўналишлар қарор топа борди. Масалан, «Муҳиддин Мусурмон ўғли» хусусий фирмасининг ҳисоб-китобида чалкашликларга йўл қўйилгани кўзга ташланди. Фирма эътирозларимизни тўғри қабул қилди. Хато-камчилик эса субъектнинг ташаббуси билан бартараф қилинди. «Чинор» кўп тармоқли хусусий фирмаси ва «Қумқўрғон бозори» ҳиссадорлик жамияти ҳам шу тариқа ўзларининг молиявий имкониятларини ўнглаб олдилар.

Бошқача айтганда, бугунги кунга келиб, туманимизда тадбиркорлар фаолиятини текширишлар сони 60,4 фоиз камайди. Бунинг аҳамияти шундаки, тадбиркорларимизнинг иқтисодиётни мустаҳкамлашга қўшган улуши жорий йилда аввалги йилдагига нисбатан 20-30 фоиз ошди. Бундан ҳам муҳими, истеъмол моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган хўжалик юритувчи субъектларда икки мингтадан кўпроқ янги иш ўринлари яратилди.

Р.САТТОРОВ,
Қумқўрғон тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

«Агар раҳбар мавжуд аҳволдан, ўз ишининг натижасидан мамнун бўлиб, бизларга бўлаверади, деб ёнбошлаб ётаверса, бундай ҳолатдан, энг аввало, ким зарар кўради — шу ерда яшаётган одамлар. Шу боисдан масъул вазифага сайланган шахслар бошқаларга нисбатан ҳаётни чуқурроқ англаши, узоқни кўриши, фақат бир кунлик иш билан эмас, балки эртанги кунниг режа ва ташвишлари, муаммолари билан яшаши ва уларнинг ечими устида тинимсиз меҳнат қилиши шарт».

(Президент И.А.Каримовнинг халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан).

Боқимандалик кайфияти

туфайли Ўзбекистон туманида иқтисодий кўрсаткичлар йилдан-йилга пасайиб боряпти

Ушбу туманнинг нафақат вилоятимизда, балки мамлакатимизда ҳам ўз ўрни ва нуфузи бор. Яйпанликлар азал-азалдан ўзларининг меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги, тадбиркорлиги билан эл оғзига тушган.

Кейинги йилларда бу ерда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш натижасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда силжишлар бўлганлиги, ободонлаштириш ишлари амалга оширилганлиги, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш борасида бирмунча ишлар қилинганлиги сир эмас. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 154,7 фоиз ўсди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, чакана савдо айланиши, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, гўшт ва сут маҳсулотлари тайёрлашда ҳам ўсиш суръатлари кузатиляпти.

Ёки бўлмаса, хориж инвестицияси ҳисобига 3 та корхона ишга туширилиши туфайли 550 дан зиёд киши янги иш жойларига эга бўлди. Пахта толаси экспорти ҳисобига ташқи савдо айланмаси салкам 12 баравар кўпайиб, ўтган йилги 833 минг доллардан 9,7 млн. АҚШ долларига етди.

Афсуски, эришилган ана шу муваффақиятлар туманнинг бошқа тармоқларидаги камчиликлар ва қолоқликлар соясида қолиб кетяпти. Айниқса, туман иқтисодиётининг қон томири ҳисобланган молиявий соҳадаги ишлар ўта ташвишли. Жумладан, дебиторлик қарзлари шу йилнинг 9 ойида 1 млрд. 950 млн. сўмга етиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан салкам 40 фоиз ортди. Кредиторлик қарзлари эса 70 фоиз кўпайиб, 6,9 млрд. сўмни ташкил этди. «Бундай қарзлар билан туман иқтисодиётини ўнглаб бўладими?» деган савол бугун кўпчиликни ўйлантиряпти.

Бундай депсиниш, яъни ортга кетишнинг сабаблари нимада? Аввало, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижросига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Тўлов муддати ўтган қарзларни ундириш бўйича хўжалик судларига ўз вақтида мурожаат қилинмаётир. Ачинарлиси, маҳаллий ҳокимлик томонидан тармоқлар фаолияти назоратга олинмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Келинг, далилларга мурожаат қилайлик. Туманда маҳаллий бюджет харажатидаги дотация улуши 41,4 фоиз бўлиб, бу вилоятдаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Боқимандалик ҳолатига тушиб қолишга туманда кичик бизнес ав ҳусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай шароит яратилмаётганлиги ҳам сабаб бўлаяпти. Чунки 1817 та кичик бизнес субъектидан 154 таси умуман фаолият кўрсатмаяпти.

Устига устак, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга ўтказиш юзасидан 43 та, тадбиркорларга лицензия ва бошқа рухсатномалар бериш борасида 3 та, молиявий ва маъмурий жавобгарликка тортишда эса 21 марта қонунбузилиши ҳолатлари аниқланганига нима дейсиз? Шундай бўлгач, ким ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишга юрак ютиб қўл уради?

Маълумки, Юртбошимиз вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бу ерда янги иш ўринлари яратиш, касаначиликни ривожлантириш дастурлари бажарилиши юзасидан йўл қўйилган камчиликларни рўйи-рост танқид қилдилар. Бу борадаги ишлар ҳам туманда ўлда-жўлда қолиб кетяпти. Янги иш ўринларини яратиш топшириғи 81,1 фоизга бажарилгани, айниқса, бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари яратиш режаси 60 фоизга, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига яратиладиган иш ўринлари топшириғи 28 фоизга уддалангани шундан далолат беради.

Йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида касаначиликни ривожлантириш дастури бўйича эса 3 та корхона — «Ишонч» масъулияти чекланган жамияти, пахта тозалаш заводи ҳамда «Шўрсув» тоғ-кимё заводида 373 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган эди. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида ушбу йўналишдаги топшириқ атиги 42 фоиз бажарилди ёки 156 та иш ўрни очилди, холос. Наҳотки, ана шу корхоналарнинг раҳбарлари бу масала нақадар муҳимлигини тўлиқ англаб етмаган бўлсалар? Ахир ҳар йили туман аҳолиси 3,5-4 минг кишига кўпайиб, янги-янги қишлоқлар пайдо бўлаётганини ҳисобга олиш керак эмасми?

Маҳаллийлаштириш — локализация дастури юзасидан белгиланган режага кўра, «Шўрсув» акциядорлик жамиятида 1800 тонна гипс ишлаб чиқарилиши лозим эди. Ҳақиқатда 25 тонна гипс тайёрланиб, топшириқ бор-йўғи 1,4 фоизга бажарилган. Натижада ҳозирда вилоятга бу муҳим қурилиш хомашёси эса четдан олиб келиняпти.

Туманда, шунингдек, сўнгги 4 йил ичида белгиланган шартномага нисбатан 14 минг 500 тонна пахта етказиб берилмади. Бу йил ҳам 413 та фермер хўжалигининг шартнома режасини бажариши хавф остида турибди. Бир мисол. «Нурсух МТП»си таркибидаги «Полвонбой Нафиса Лазизбек» фермер хўжалиги 45,9 гектар майдондан 112,5 тонна ҳосил етиштириш юзасидан шартнома имзолаган эди. Мавсум охирлаяптики, бу фермер хўжалиги раҳбари қабул пунктига 3,5 тонна хомашё топширганидан хижолат ҳам тортмайди. Табиий савол туғилади: шунча ернинг умри бекор ўтади-ю, бундан туман ва фуқаролар йиғини раҳбарлари бехабар қоладиларми?

«Туросхон ҳожи она», «Омад чек давр», «Абдупатто қассоб», «Азизжон», «Муҳаммад Назирали», «Санам она», «Алижон-Аюбжон», «Нурафшон роҳат», «Забардаст Давронбек» сингари номлари бир-биридан жарангдор фермер хўжаликларида ҳам шартнома режалари 10-26 фоиз бажарилган экан, улар имтиёзли берилган ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитларни қайга сарфлаганларини маъмурий органлар аниқлаб беришлари аниқ.

Галлачилик ҳам туман қишлоқ хўжалигининг оқсаётган тармоқларидан бирига айланиб қоляпти. Хусусан, бу йил ғаллакорлар шартнома режасини 98,6 фоиз бажариб, 200 тонна кам ғалла етказиб бердилар. Агар рўйхатнинг охирида турган 124 та фермер хўжалиги режаларини уддалаганларида борми, туман хирмонига яна 1340 тонна дон қўшилган бўлар эди. Тассуфки, «Абдулҳаким Мирсолиев», «Равшанбек Эгамбердиев», «Сфинкс Ҳумо» фермер хўжаликларида бирор килограмм ҳам ғалла топширилмаган. Нима, бу боқибеғам фермерларнинг мушугини ҳеч ким «пишт» деёлмайдими?

Нафақат туман, балки Қўқон шаҳри аҳолисини ҳам сархил сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида бу ерда жами экин майдонлари 81 гектарга кўпайтирилган эди. Натижами? Ялпи ҳосил кўпайиш ўрнига аввалги йилдагига нисбатан 4,2 минг тоннага камайтириб юборилди.

Туманда кадрлар қўнимсизлиги масаласи ҳам ечим топмаяпти. Сўнгги 2 йил ичида туман ҳокимлиги ҳисобида турувчи 39 нафар раҳбарнинг 20 таси ёки 51,3 фоизи алмаштирилган. Туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи эса бир ой мобайнида 2 маротаба ўзгарган. Худди шундай ачинарли ҳолат «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбарини тайинлашда ҳам рўй бергани қайси қуюшқонга сиғади?

Бугунги кунда туман иқтисодий-ижтимоий ҳаётида йиғилиб қолган камчилик ва нуқсонлар раҳбарларнинг ношудлиги, лоқайдлиги ва бепарволиги натижаси эканлиги тобора аён бўлмоқда. Шу боис яқинда уларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилди — туманнинг янги ҳокими тасдиқланди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Замонамиз қаҳрамонлари

Чинорнинг боқийликка дахлдорлигини кимдир мақтаса, кимдир "Соясида бирор гиёҳ унмайди" деб у қадар хушламайди. Лекин нима бўлганида ҳам, чинор — чинор-да! Одатда, ўзидан яхши ном қолдириб, оромидан кечса-да, ўзгаларга яхшилик соғинадиган кишиларни чинорга менгзашади, энг яхши тилак сифатида бир-бирларига чинор умрини тилашади.

Муқимий номидаги Қўқон педагогика институти профессори, иқтидорли олим, минглаб шогирдларнинг севимли устози Қўчқорали Турсуновни ҳам чинорга, чинор бўлганда ҳам фалсафа фанининг улкан чинорига қиёслаш мумкин. Устоз ҳақида сўз кетганида, у кишини яхши билганлар "Ҳаётни Қўчқорали домладек севиш керак", дейишади. Сабаби...

Матонат

Ожизликни енгган болалик

... Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари. Илк фарзанд Қўчқоралининг туғилиши оилага қувонч олиб кирди. Бироқ бу қувонч узоққа чўзилмади. Фарзанд эндигина уч ёшга кирганида оила бошлиғи вафот этди. Отанинг ўлими оилани пароканда қилиб юборди. Очарчилик йиллари эмасми, шундоқ ҳам қўл учида кун кўраётган оила бошига ташвиш тушди. Онаси тўрт ёшли ўғлини бағрига босганича Қозоғистондан Тошкентга йўл олди. Пойтахтга ёндош Ўнқўрғон қишлоғида эса аёлни очлик енгди ва ...

— Ўша қишлоқ аҳли онамни дафн этишгач, мени Абдулла отбоқар ёрдамчи қилиб олди, — хотирлайдилар Қўчқор ота кўзда ёш билан. — Беш ёшли болакай аҳолининг қўй-эчкиларини тўқайда боқиб келар, эвазига бир бурда нон ва аталага эга бўлардим.

Лекин тақдирнинг синовлари олдинда экан. Икки йилни ўнқўрғонликларнинг хизматини қилиб ўтказган етти ёшли болакайнинг кўзи оғриб, кўриш қобилияти сусая бошлади. Устига устак, ўша пайтда кўп тарқалган лешманоза касаллигига чалинди. Шундан сўнг уни қишлоқ отаси Ҳайдар раис Абдулла отбоқар билан бирга Тошкентдаги махсус болалар уйига олиб келди.

— Болам, вужудингда жуда катта иштиёқ бор, албатта, ўқигин. Сендан умидимиз катта. — Хайрлашиш олдидан Ҳайдар раис кўзёшини яширолмади. — Биз сени ташлаб қўймаймиз.

Раис сўзида турди. Эндиликда кўзлари ожиз бўлиб қолган йигитчадан тез-тез хабар олиб турди. Тўлиқсиз ўрта мактабни тугаллагач, педагогика билим юртида таҳсил ола бошлади. Кутилмаганда Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Бирин-кетин Тошкентга ярадор аскарлар кела бошлади. Қўчқорали ва унинг сабоқдошлари дарсдан ташқари вақтларда ҳарбий госпиталга бориб, жароҳат сабаб кўриш қобилиятини йўқотган беморларга брайль ёзувидан сабоқ берар ва кўча-кўйда мустақил юришни ўргатишарди.

— Ўзимнинг кўзим ожиз, шундай бўлса-да, ёзувчи Вали Фофуров ва олим Ислом Ҳасановни Тошкент кўчалари бўйлаб соғлом инсонлар сингари бемалол юришга ўргатганларим кечагидай ёдимда, — дея хотирлайдилар устоз.

Илм истаб...

Урушдан сўнг Қўчқорали Ўрта Осиё давлат университетида таҳсил олиб, тарих ўқитувчиси сифатида кўзи ожиз кишилар ўртасида саводсизликни тугатиш бўйича фаолият олиб борди. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида домлани Қўқон давлат педагогика институтига юборишди. Ишни оддий ассистентликдан бошлаган йигит қисқа давр мобайнида номзодлик, докторлик диссертацияларини ёқлади. Профессор бўлди. Қўчқорали Турсунов тақдирга тан бермас, тинмай ҳаракат қиларди. Ўз билим ва малакасини ошириш учун бир неча бор Москвага бориб келишга ҳам тўғри келди. Бу орада бир неча дарсликлари, илмий рисолалари чоп этилиб, амалиётда қўлланила бошланди.

Ўнқўрғонда бировларнинг чорвасини боқиб, чорночор кун кечирган Қўчқор — профессор Қўчқорали Турсуновга айланди. Илм аҳли эътирофига сазовор бўлди. Ўнлаб ёш олимларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилди.

Тўғри, ҳаёт машаққатларини енгиш кўзи ожиз йигит учун осон кечмади. Бироқ тақдир унга Мукаррамахонимдек оқила, фозила қизни рўбарў қилдики, бу унинг ҳаётига битмас-туганмас мазмун олиб кирди. Уни оила бошлиғига, шириндан шакар фарзандларнинг отасига айлантирди.

Ибрат мактабига айланган инсон

Эллик йил давомида бирор кун бўлсин, касаллик варақасига чиқмай ишлаган одам ҳақида эшитганмисиз? Устига устак, у биринчи гуруҳ ногирони бўлса? Эътироз билдиришга шошилманг! Ана шундай инсон — Қўчқорали Турсунов бўладилар. Ҳатто номзодлик, докторлик диссертацияларини ҳам ижодий таътилсиз ёқлаганлар.

— Ўқитувчининг касалман деб дарсларни қолдиришига ҳақи йўқ,–дейди домла. — Негаки, у ўзи сабоқ бераётган талабалар учун жавобгар. Ўқитувчининг айби билан дарс ўтилмаса, бу тингловчиларга салбий таъсир қилади, ўқитувчи обрўсининг пасайишига сабабчи бўлади.

Баъзан ўйланиб қоласан, киши, тўрт мучаси соғ бўла туриб, ҳуда-беҳуда зорланувчилар, турмуш ташвишларидан нолиб, кимлардандир айб қидирувчилар қанча. Арзимас масалани фожиага айлантирувчилар-чи? Назаримда, етимлик уқубатлари, ногиронлик азобларини енгиб, ҳаётда ўз ўрнини топа олган, топганда ҳам элюрт ҳурматига сазовор бўлган Қўчқорали ота ва у каби иродали, матонатли инсонларнинг ҳаётлари ибрат мактабига ўхшайди. Негаки, улар зорланишдан, кимларнингдир мададига суянишдан кўра курашишни, меҳнат қилишни афзал билишади. Яшаш учун курашади. Қўчқорали ота билан суҳбатлашсангиз, ўзингиз дуч келган муаммолар ҳеч нарсадек кўринади.

"Мен ўзимни ҳеч қачон ногирон санамаганман. Ўтган ва ўтаётган ҳар бир кунимга шукроналик ва эртанги кунимга умид билан боқишга ўрганганман. Умид билан яшаган инсоннинг эса бугуни ҳам, эртаси ҳам кўнгилли ўтади. Ҳаётдан завқлана олади.

Атрофдаги инсонларга ҳавас билан боқинг, уларнинг муваффақиятларидан қувонинг. Ёрдамингизга муҳтожлик сезса, қўлингизни узатинг".

Бу отанинг умри давомида кашф этган фалсафаси. У ана шу фалсафага амал қилиб кам бўлмади. Ҳаётда ўз ўрнини топди.

Хўқанди Латифда "Қатоғон" маҳалласи бор. Ушбу маҳаллада тиниб-тинчимайдиган, каттаю кичикнинг ҳурматига сазовор бўлган профессор Турсунов ва унинг ибратли оиласи истиқомат қилади. Қачон қараманг, ушбу хонадон қўни-қўшнилар, маҳалла аҳли билан гавжум бўлади.

— Маҳалла — улуғ даргоҳ, — дейди маҳалла оқсоқоли Азимжон Ҳайдаров. — Қўчқор ота ушбу даргоҳда каттаю кичикнинг кўнглига бирдай йўл топиш, уларнинг корига ярашга ҳаракат қилади. Кези келганда, ўз оромидан кечиб, ёрдамлашишга ҳаракат қилади. Унинг курашларга, тасодифларга бой тақдир йўли айримлар учун ибрат бўлса, ажаб эмас.

Умрни оқар сувга менгзашади. Оқаётган сув сабаб қаерлардадир боғу роғлар бунёд бўлади, тақир жойлар чаманларга айланади, баъзан эса... Профессор Қўчқорали Турсунов умри давомида ўзи яратган бўстонлар аро ҳаётни севиб, ардоқлаб, ҳар дақиқанинг қадрига етиб, одамларга эзгуликлар, яхшиликлар улашиб, умр йўлларини янада безамоқда.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Тожикистонда президент сайловлари ниҳоясига етди. Имомали Раҳмонов ўз рақибларидан кўп овоз тўплаб, етти йиллик муддатга қайта сайланди. Мамлакат Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган дастлабки маълумотга кўра, амалдаги президентга 79,3 фоиз сайловчи овоз берган. Жорий йил 18 ноябрь куни президентнинг қасамёд маросими ўтказилади.

Исроил ҳарбийлари Ғазо сектори шимолидаги Бейт Ханун шаҳарчасидан чиқиб кетишмоқда. Бу ҳақда мамлакат Мудофаа вазирлиги журналистларга маълум қилди. Исроилликлар шаҳарчада оғир бронотехникалар ёрдамида олти кун ҳарбий амалиётлар ўтказишди. Бу вақт оралиғида 50 нафардан ортиқ фаластинлик тинч аҳоли ҳалок бўлди.

Лондонда 2012 йилги Олимпиада ўйинларига қизғин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Бундан олдинроқ транспорт муаммосини ҳал қилиш мақсадида шаҳар мэрияси янги тезюрар поезд лойиҳасини оммага маълум қилганди. Бироқ ташкилотчилар сарф-харажатларда муаммога учрашмоқда. Манбада айтилишича, қурилиш лойиҳасини молиялаштиришда қўшимча қиймат солиғи ҳисобга олинмаган. Бу солиқ миқдори ўртача 2 миллиард долларга тенг.

Европада электр таъминоти узилиб қолди. Шанба куни Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатларида электр энергияси узиб қўйилди. Натижада миллионлаб аҳоли электр энергиясиз қолди. Европа Комиссияси мазкур ҳолат юзасидан қаттиқ текширув олиб борилишини талаб қилди. ЕИнинг энергетика масалалари бўйича комиссари Андрис Пиебалгс энергетика таъминотидаги бу каби узилишларнинг қайтарилмаслиги учун иттифоқнинг ягона энергетика сиёсатини ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Мисрнинг икки фуқароси озодликдан маҳрум этилди. Улар 2004 йил март ойида Мадрид шаҳридаги портлашларни тайёрлаб, амалга оширганликда айбланганди. Мазкур терактлар 191 кишининг ҳаётига зомин бўлганди. Фожиадан уч ой ўтгач, Италияда ушбу икки мисрлик қўлга олинганди. Испанияда мазкур террорчилик хуружи билан алоқадорликда гумон қилиниб, 100 дан ортиқ одам қўлга олинганди. Ҳозиргача шундан 29 нафарига айблов эълон қилинди.

Вашингтонда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Ҳудудда кучли ёмғир ёғиши оқибатида сув тошқинлари юз бериши бунга сабаб бўлмоқда. Бир неча дарёлар ўз қирғоғидан тошиб кетди. Метеорология мутахассисларининг огоҳлантиришича, штатнинг 40 та райони сув тагида қолиши мумкин. Штатда табиий офат туфайли ер усти ва ҳаво транспорти тўхтаб қолди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Обуна-2007»

«Саодат»сиз яшаш мумкинми?

Кўнглингиз сувратларини таҳририятимизга йўллаган мактубларингиздан, ўзимиз, ҳамкасбларимиз иштирок этган давралардан излаймиз. Яқинлашиб келаётган 2007 йил учун режа тузар эканмиз, энг аввало, Сизнинг истак-хоҳишларингизни инобатга оламиз.

Сиз севган ёзувчиларнинг янги асарларини, шоира қизларимизнинг сиёҳи қуримаган шеърий туркумларини нашрга тайёрлаяпмиз. Ёш санъаткорларнинг йўлбошидаги ҳаяжонлари билан ошна бўласиз. Тадбиркорлик сир-асрорларидан, тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларидан сўз очамиз. Тажрибали шифокорлар, устоз педагогларга минбар берамиз. Биз билан «Шифокор маслаҳати»да, «Тарбия соатлари»да бирга бўласиз. Қўли гул чеварлар, эгчил бекалар, моҳир косметологларни ҳам саҳифаларимизга чорлаймиз.

Ҳаммаси — Сиз учун, Сизнинг маънавий юксалишингиз, моддий фаровонлигингиз, соғ-омон, фаол, ғўзал яшашингиз учун.

2007 йилда ҳам ҳамкорлик қилсангиз, мухлису муштарийларимиз бўлиб ўқисангиз, фикрлашсангиз, режаларимиз яна ҳам истак-эҳтиёжларингизга яқинроқ боради. Жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, вакилларимиз, саховатпеша тадбиркорларимиз, ташкилотчи, ташаббускор зиёлиларимиз «Саодат»нинг ҳар бир хонадонга кириб бориши учун жонкуярлик қилади, деб умид қиламиз.

Энг жозибали, энг чиройли, энг арзон нашр «Саодат»га обуна бўлинг.

«Саодат» индекси — 867. Бир йилда 8 та сон чоп этилади. Битта сони — 650 сўм.

Бу нархларга почта ва йўл харажатлари кирмайди.

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

2007 ЙИЛ УЧУН ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИ МАЖБУРИЙ ДАВЛАТ ҚИЁСЛАШИДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗАДИ.

ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗИШ МУДДАТИ — 2007 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛГАЧА.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯГОНА РАСМИЙ ДИЛЕР

Тошкент шаҳридаги омборхонадан тақдим этади

«СКАД» РУСУМЛИ ҚУЙМА АЛЮМИН ДИСКЛАРИ

(Красноярск)

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94.
Факс (998 71) 191-74-63

Тўлов пул ўтказиш ёки нақд пул билан

Маҳсулот сертификатланган

Халқимиз Ўзбекистон келажаги, унинг истиқболи юксак билимли ва маънавиятли, ҳар тарафлама баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш вазифалари билан узвий боғлиқ эканлигини яхши тушунади. Шу боисдан мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида янги авлодни вояга етказиш ишига мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб катта эътибор кўрсатиб келинмоқда.

Қишлоқ ўйингоҳидан — жаҳон шоҳсупасига

Баркамол авлод тарбияси да эса, жумладан, спорт ва жисмоний тарбиянинг аҳамияти катта. Бу борада Ватанимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Юртбошимизнинг фармон ва қарорларида республикада спортни ва жисмоний тарбияни ривожлантириш — баркамол авлод тарбияси соҳасидаги энг устувор йўналишлардан бири сифатида қўйилган. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрда эълон қилинган «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳам худди шу нуқтаи назардан алоҳида диққатни тортади.

Ҳозирги кунда бутун юртимизда спорт соҳаси энг замонавий инфратузилмаларга эга бўлиб боряпти. Барча замонавий қулайликларга эга спорт мажмуалари, муҳташам спорт заллари, стадионлар, бассейнлар, теннис кортлари, баскетбол, волейбол майдончалари ҳатто олис қишлоқларимиз учун ҳам ҳайратланарли янгилик бўлмай қолди. Бундай шароит спортнинг юртимизда тобора кенг оммалашувига олиб келмоқда. Ўзбекистон, сўзнинг чинакам маъносида, спорт мамлакатига айланиб боряпти.

Худди шу маънода, биргина Сирдарё вилоятида бу йўналишда қилинаётган ишларга бир назар ташлайлик. Фақат жорий йилнинг ўзида бу вилоятда 8 та йирик спорт объекти, шу жумладан, битта улкан спорт мажмуаси бунёд этилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Гулистон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг сузиш ҳавзаси тубдан реконструкциядан чиқарилди. Мирзаобод туманидаги 18-мактаб, Боёвут туманидаги 39-мактаб, Сайхунобод туманидаги 34-мактаб қўшимча спорт залларига эга бўлди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Сирдарё вилояти минтақавий филиали директори Норбобо Соатовнинг маълумотларига кўра, 2006 йилда вилоят манзилий дастурида белгиланган спорт иншоотлари қурилиши ва реконструкцияси учун «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси Билан ҳамкорликда республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 321,3 миллион сўм, вилоят жамғармаси ҳисобидан 309,2 миллион сўм, жами 630,5 миллион сўм сарфланди.

Шунингдек, фойдаланишга топширилган спорт иншоотлари учун республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 75,4 миллион сўмлик спорт жиҳозлари ва анжомлари етказиб берилди ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари 10 миллион сўмлик спорт либослари билан бепул таъминланди.

Биз атиги бир йил мобайнида вилоятда спорт соҳасига кўрсатилган эътибор натижалари тўғрисида сўзладик.

Кўрилаётган чора-тадбирлар эса ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда вилоятда халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимларидаги ўқув муассасаларида дарсдан ташқари спорт билан шуғулланаётган 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўқувчи болалар сони 49594 нафарни ташкил этади. Шулардан 15855 нафари қизлар, 33739 нафари ўғил болалардир.

Вилоят мактабларида 2022 та спорт секцияси ишлаб турибди. Жумладан, 850 та спорт майдончаси, 212 та спорт зали қизғин фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда спорт ва жисмоний тарбия соҳаларини ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда.

Сирдарёлик ёшлар спортни мамлакат ва миллатни улуғловчи восита сифатида тобора чуқур англаб бормоқдалар. Ҳозирги кунда вилоятда ушбу ўсиб келаётган фарзандлар орасидан республика ва халқаро миқёсдаги ажойиб спортчилар етишиб чиқаётгани сўзимизнинг яққол далилидир. Жумладан, дзюдо кураш тури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, уч карра жаҳон чемпиони, Осиё чемпионати иштирокчиси, спорт устаси Элеонора Соатова, муайтай ва кикбоксинг бўйича болалар ўртасида республика чемпиони Даврон Тўхтаев, Турон яккакураши бўйича икки карра жаҳон чемпиони Алишер Тўхтаев, Осиё чемпионатининг

кумуш медали совриндори Замирахон Ортиқова сингари спортчилар нафақат сирдарёликларнинг, балки бутун Ўзбекистонимизнинг ифтихорларидир.

«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам». Президентимизнинг бу ғурурли сўзлари бугунги кунда бутун юртимиз ёшларининг қалбидан чуқур ўрин олиб, уларни ғайратлантирмоқда. Сирдарё вилоятининг спортчи ёшлари республикада ва жаҳон миқёсида эришаётган ютуқлар бу ажойиб сўзларининг энг ишонарли исботи бўла олади. Вилоятда спортни ривожлантириш ва оммавийлигини ошириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламдаги қизғин фаолият, кўрилаётган улкан чора-тадбирлар бундан кейин янада улканроқ самаралар беришига ишонамиз.

Норқул МАЪМУР.

Диққат, янги рукн:

Эринмаган одамлар

Бир қарашда инсоният ўзи учун зарур бўлган барча воситалар (соат, телефон, электр, радио, телевизор ва бошқалар)ни аллақачон кашф этиб бўлган. Лекин одам боласининг табиати шундайки, у ҳеч қачон изланишдан тўхтамайди. Доимо қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган жараёнларга қўл уради. Ишонмасангиз, "Эринмаган одамлар" рукни остида берилаётган янгиликларни кузатиб боринг. Фанда, маиший турмуш тарзимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак.

Жониворлар жазаваси

Агар билсангиз, "Хэллоуин"да инсонлар турли ниқоблар, кийимлар кийиб, катта байрам ташкиллаштиришади. Бироқ АҚШда ўтказилган бу галги тантана аввалгиларидан тубдан фарқ қилди. Мазкур карнавалда инсонлар эмас, итлар иштирок этди. Бутун мамлакат бўйлаб нишонланган байрамда 800 дан ортиқ уй жониворлари қатнашди.

Уй ҳайвонларининг эгнидаги ажабтовур кийимлар баъзи фильм қаҳрамонларини эслатади. Улар тимсолида "Супермен", "Ўргимчак одам" образлари гавдаланди. Фестивалда "Билли" лақабли ит олачипор сигир кийимида чиқди. Мабодо унга «мараш» механизми ўрнатилганида, нақд сигирнинг ўзи бўларди-да.

Россия 8 йилдан сўнг қуёшнинг орқа томонини кўради

Россия қуёш нурланишини тадқиқ қилиш мақсадида "Интергелиозонд" космик аппаратининг парвозини 2014 йилда амалга оширади.

"Интергелиозонд" қуёш радиациясини оптик, ультрабинафша, рентген ва гамма диапазонларида ўлчашга мўлжалланган. Аппарат ердан кўтарилгач, Венера, сўнг



Меркурий сайёрасига яқинлашади. Ундан кейин қуёшни 20 миллион км. узоқликдан тадқиқ қилиш имконига эга бўлади. Сунъий йўлдош тўрт ой мобайнида Қуёш — Ер чизиғи атрофида ишлайди. Станция қуёшнинг орқа, яъни бизга кўринмас томонини ўрганади.

Ўғрилар бўм-бўш банкни ўмаришга уриндилар

Осонликча бойликка эришишни мақсад қилган уч киши Руминиянинг Констанца шаҳри марказидаги банклардан бирига ўғриликка тушди. Аммо кўз ўнгиларида пайдо бўлган вазиятдан лол қолишди. Банкда ҳеч нарса йўқ, ҳаммаёқ бўм-бўш. Қуруқ қўл билан ортга қайтишни истамаган ўғрилар, жуда бўлмаса, иситиш батареяларини олиб кетишга келишадилар. Лекин уларнинг бу нияти ҳам амалга ошмади.

Полиция вакилининг сўзларига кўра, банкка яқин ҳонадонда истиқомат қилувчилардан бири ўғриларнинг шовқин-суронини эшитиб қолган. Ва полицияга хабар берган. Хавфсизлик хизмати ходимлари воқеа содир бўлган ҳудудга келганларида, ўғрилар қочишга улгургандилар.

Маълум бўлишича, банк таъмирлаш учун ёпилган бўлиб, вақтинча бошқа бинога кўчган экан.

Мобиль телефонида жаҳон кинопремьераси

Замонавий технологияларнинг имкониятлари бизни ҳайратга солишда давом этмоқда. Масалан, уяли телефонни олайлик. Унинг ёрдамида нафақат танишбилишларга қўнғироқ қилишимиз, балки матнли, мультимедияли хабарларни жўнатишимиз, расмга олиш, интернетга уланиб, ахборот алмашишимиз мумкин. Қурилма орқали телевизион каналларни томоша қилиш хизмати эса бундан-да завқлироқдир.

Швецияликлар мобиль телефонининг тараққиёти борасида янада илгарилаб кетишди. Яқинда минтақа бўйлаб "Шаҳарчадаги болалар" фильмининг уяли телефонда жаҳон премьераси бўлиб ўтди. Фильм мобиль телефони эгаларига тўғридан-тўғри узатилди. Мутахассислар фикрича, уяли телефони кинотеатрининг келажаги олдинда. Яқин йилларда фильмларни нафақат уйда ёки ишда, ҳатто жамоат транспортларида ҳам бемалол кўрсак, неажаб?!

Ҳар қатраси қувват

Буюк Британия Мудофаа вазирлиги жанговар вазиятларда бир неча кун мобайнида инсоннинг уйқусиз, ақлий ҳамда жисмоний қобилиятини сусайтирмайдиган препаратдан фойдаланиш имконини кўриб чиқмоқда.

"Модафанил" номи билан аталувчи мазкур препарат аслида "Провигил" савдо белгиси остида сотувга чиқарилган. АҚШдаги тунги клубларнинг доимий "мижозлари" ундан унумли фойдаланадилар. Шунингдек, америкалик талабалар ҳам имтиҳонларга тайёргарлик кўришда препаратдан истеъмол қилишади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Японларга "Париж синдроми" юқди

Франция пойтахтига ҳар йили ташриф буюрадиган япониялик саёҳатчилардан ўн икки нафари психологларга шикоят билан мурожаат қилишди. Аниқланишича, меҳмонларга маҳаллий аҳоли вакиллари қўпол муомалада бўлаётган экан. Руҳшунослар эса бу касалликни "Париж синдроми" деб атамоқдалар.

Маълум бўлишича, япониялик сайёҳларнинг руҳиятлари Париж сингари шаҳарларга ташриф буюришга тайёр эмас. "Уларнинг асаби бундай ҳолатларга бардош беролмайди" дея изоҳ берди психолог Эраф Бенхаму.

Таълимдаги ҳамкорлик

Олий таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган халқаро ТЕМПУС дастури ташкилотчилари мамлакатимизда вақти-вақти билан анъанавий Ахборот кунларини уюштириб туришади. Бу тадбир иштирокчилари ТЕМПУС дастури фаолиятидаги янгиликлар билан таништирилади, улар олий таълимни ривожлантиришнинг замон қўндаланг қўяётган устувор йўналишлари, дастурнинг янги лойиҳаларига танлов шартлари тўғрисида атрофлича маълумотлар оладилар. Тадбир пайтида янги лойиҳавий таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда Европа университетлари орасидан ҳамкорлар топиш бўйича республикамиз олий таълим муассасалари вакилларига амалий тавсиялар берилади.

ТЕМПУСнинг Ахборот куни

ТЕМПУСнинг навбатдаги анъанавий Ахборот куни яқинда Тошкент давлат педагогика университетида ўтказилди. Айтиб ўтишимиз керакки, бу олий таълим даргоҳида ҳозирги кунда дастурнинг 2 та лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Тадбир ТЕМПУС миллий офиси, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Европа Комиссиясининг таълим ва маданият масалалари бўйича бош директорати ва Европа Таълим жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилди. Унда республикамиздаги тегишли вазирликлар, ташкилотлар ҳамда Тошкент, Гулистон, Термиз, Жиззах ва Навоий шаҳарларидаги олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этди. Тадбирни ўтказиш ҳамда ТЕМПУСнинг ҳаракатдаги лойиҳалари мониторингини амалга ошириш мақсадида Тошкентга Брюссель шаҳридан дастур менежери Клэр Морель ва Италиянинг Турин шаҳридан Европа Таълим жамғармаси масъул ходими Жан Люка-Бондури ташриф буюрдилар.

ТЕМПУС дастури Ўзбекистонда 1994 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида ушбу дастур билан мамлакатимиздаги 40 дан ортиқ олий таълим муассасалари, шунингдек, 22 та ноакадемик ташкилот, яъни турли вазирликлар, корхоналар ва муассасалар ҳамкорликка киришди. Ўзбекистон олий ўқув юртлари учун молиялаштирилган 65 та лойиҳада 96 та Европа университети қатнашди. Шу давр ичида ТЕМПУСнинг Ватанимиздаги фаолияти учун 17,4 миллион евро миқдорида маблағ сарфланди, бу маблағнинг 11,2 миллиони халқаро дастурнинг 2000-2006 йилларда рўёбга чиқарилган учинчи босқичидаги лойиҳаларга йўналтирилди. Ана шу кўрсаткичнинг ўзиёқ ТЕМПУС фаолияти мамлакатимизда тобора кенг ривож топиб бораётганлигидан далолат беради.

Дастур лойиҳалари доирасида, Европа университетлари билан ҳамкорликда, Ўзбекистон олий ўқув юртларидаги таълимнинг устувор йўналишлари учун янги ўқув дастурлари яратилди, бир қатор мавжуд ўқув дастурлари эса замонавийлаштирилди. Олий таълим муассасалари қошида ташкил этилган халқаро алоқалар бўлимлари, ресурс марказлари ва компьютер заллари энг замонавий аппаратлар ва ускуналар билан жиҳозланди. Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнида қўлланиш бўйича маҳаллий профессор-ўқитувчиларнинг малакалари оширилди. Хуллас, ТЕМПУС мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшмоқда.

Ахборот кунида ҳозир бўлганлар яна бир қатор янгиликлардан воқиф бўлдилар, шунингдек, 2 йил муддатга режалаштирилган ҳамкорликдаги Европа лойиҳалари учун танловларда қатнашиш шартлари тўғрисида маълумотга эга бўлдилар. Тадбир иштирокчилари Тошкент давлат педагогика университети қошида ТЕМПУСнинг уч йиллик лойиҳаси доирасида ташкил этилган Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш марказида ҳам бўлиб, унинг фаолияти билан танишдилар.

М. САФАРОВ.

ШХК "KOSMO MED ELEKTRONIKS"
таклиф этади: Товар сертификатланган
ЭМАЛЛАНГАН СИМ ПЭТВ-2
электродвигателларни таъмирлаш учун
Ø 0,355-1,60.
ЭЛЕКТРОТОВАРЛАР
(Россияда ишлаб чиқарилган)
Тел.: 360-37-62 Тел./ф 360-47-65.

Крупнейший производитель качественной кабельно-проводниковой продукции в Центральной Азии
УЗКАБЕЛЬ
предлагает широкий ассортимент выпускаемой продукции
Нам – 65 лет
г. Ташкент, ул. Ф. Ходжаева, 2.
Тел./факс: (+99871) 162-02-86, 162-13-33.
E-mail: marketing@uzkabel.uz
www.uzkabel.uz
Товар сертифицирован

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !
«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиқли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:	
Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш.	50-36-79, 380-40-35
КУ-1 Тўйтепа ш.	21-306, 21-121,186-57-51
КУ-1 ф-л Ангрен	2-27-61, 186-57-51
ЛТЦ Бекобод	2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:	
Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй.	135-36-59
КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй.	65-80-43
КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй.	168-72-86
КУ-3 Тўйтепа ш.	168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Қўқон ш., «Истиқлол» к., 58-уй.	55-2-24-71
КУ-2 Бешариқ тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй.	61-2-23-66
КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора.	25-08-82
КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй.	22-23-81
КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр.	27-16-20
КУ Сирдарё ш.	57-28-98, 57-34-36
КУ Жиззах ш.	77-05-27, 6-22-07
ЛТЦ-2 Янгиер ш.	72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунғур ш., «Самарқанд» к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., «Ашхобод» к., 1-уй.	222-37-07, 222-00-43
КУ Тўрткўл ш.	532-30-60, ички 1-42
КУ Беруний ш.	524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй.	3-59-07
ЛТЦ-16 Денов ш.	7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., «Ҳуснобод» к., 1-уй.	221-02-41
ЛТЦ-15 Ғузор ш.	55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй.	224-75-21
КУ-3 Каттақўрғон ш.	45-5-24-54
КУ-4 Ғиждувон ш.	57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,

жумладан:

- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ойбек Усмоновга падари бузруквори **ОРИФБЕК отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти ректори Қадам Жуманиёзовга волидаи муҳтарамаси **ЗУЛАЙҲО аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки бошқаруви ва жамоаси Самарқанд вилояти филиали бошлиғи Зафар Каримовга ўғли **БЕКЗОДЖОНнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази жамоаси марказга қарашли «Сойлиқ» оромгоҳи директори Абдузоҳид Муталовга рафиқаси **Дилором МУТАЛОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 20.50 1 3456